



ISSN 2181-1342



Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

12-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

Nº 12 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

TOSHKENT-2024

BOSH MUHARRIR:

Isanova Feruza Tulqinovna

TAHRIR HAY'ATI:

07.00.00-TARIX FANLARI:

Yuldashev Anvar Ergashevich – tarix fanlari doktori, siyosiy fanlar nomzodi, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Mavlanov Uktam Maxmasabirovich – tarix fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Xazratkulov Abror – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti.

Tursunov Ravshan Normuratovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Xolikulov Axmadjon Boymahamatovich – tarix fanlari doktori, O'zbekiston Milliy Universiteti;

Gabrielyan Sofya Ivanovna – tarix fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Milliy Universiteti.

Saidov Sarvar Atabullo o'g'li – katta ilmiy hodim, Imam Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy tadqiqotlar bo'limi.

08.00.00-IQTISODIYOT FANLARI:

Karlibayeva Raya Xojabayevna – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Nasirxodjayeva Dilafruz Sabitxanova – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Ostonokulov Azamat Abdukarimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Toshkent moliya instituti; Arabov Nurali Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Azizov Sherzod O'ktamovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Bojxona instituti;

Xojayev Azizzon Saidaloxonovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent, Farg'ona politexnika instituti

Xolov Aktam Xatamovich – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Shadiyeva Dildora Xamidovna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b, Toshkent moliya instituti;

Shakarov Qulmat Ashirovich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

09.00.00-FALSAFA FANLARI:

Hakimov Nazar Hakimovich – falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Yaxshilikov Jo'raboy – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

G'aybullayev Otabek Muhammadiyevich – falsafa fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Saidova Kamola Uskanbayevna – falsafa fanlari doktori, "Tashkent International University of Education" xalqaro universiteti;

Hoshimxonov Mo'min – falsafa fanlari doktori, dotsent, Jizzax pedagogika instituti;

O'rroqova Oysuluv Jamoliddinovna – falsafa fanlari doktori, dotsent, Andijon davlat tibbiyot instituti, Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi mudiri;

Nosirxodjayeva Gulnora Abdukaxkarovna – falsafa fanlari nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Turdiyev Bexruz Sobirovich – falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent, Buxoro davlat universiteti.

10.00.00-FILOLOGIYA FANLARI:

Axmedov Oybek Saporbayevich – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ko'chimov Shuxrat Norqizilovich – filologiya fanlari doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hasanov Shavkat Ahadovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat universiteti;

Baxronova Dilrabo Keldiyorovna – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Mirsanov G'aybullo Qulmurodovich – filologiya fanlari doktori, professor, Samarqand davlat chet tillar instituti;

Salaxutdinova Musharraf Isamutdinovna – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, Samarqand davlat universiteti;

Kuchkarov Raxman Urmanovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent v/b, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yunusov Mansur Abdullayevich – filologiya fanlari nomzodi, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Saidov Ulugbek Aripovich – filologiya fanlari nomzodi, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi.

12.00.00-YURIDIK FANLAR:

Axmedshayeva Mavlyuda Axatovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Esanova Zamira Normurotovna – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan yurist, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hamroqulov Bahodir Mamasharifovich – yuridik fanlar doktori, professor v.b., Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti;

Zulfiqorov Sherzod Xurramovich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti;

Xayitov Xushvaqt Saparbayevich – yuridik fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Asadov Shavkat G'aybullayevich – yuridik fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi;

Ergashev Ikrom Abdurasulovich – yuridik fanlar doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Utemuratov Maxmut Ajimuratovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Saydullayev Shaxzod Alixanovich – yuridik fanlar nomzodi, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Hakimov Komil Baxtiyarovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Yusupov Sardorbek Baxodirovich – yuridik fanlar doktori, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Amirov Zafar Aktamovich – yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), O'zbekiston Respublikasi

Sudyalar oliv kengashi huzuridagi Sudyalar oliv maktabi;

Jo'rayev Sherzod Yuldashevich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Babadjanov Atabek Davronbekovich – yuridik fanlar nomzodi, dotsent, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Rahmatov Elyor Jumaboyevich - yuridik fanlar nomzodi, Toshkent davlat yuridik universiteti;

13.00.00-PEDAGOGIKA FANLARI:

Xashimova Dildarxon Urinboyevna – pedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat yuridik universiteti;

Ibragimova Gulnora Xavazmatovna – pyedagogika fanlari doktori, professor, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti;

Zakirova Feruza Maxmudovna – pedagogika fanlari doktori, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti huzuridagi pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tarmoq markazi;

Kayumova Nasiba Ashurovna – pedagogika fanlari doktori, professor, Qarshi davlat universiteti;

Taylanova Shoxida Zayniyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent;

Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna – pedagogika fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Ibraximov Sanjar Urunbayevich – pedagogika fanlari doktori, Iqtisodiyot va pedagogika universiteti;

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti;

Bobomurotova Latofat Elmurodovna - pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), Samarqand davlat universiteti.

19.00.00-PSIXOLOGIYA FANLARI:

Karimova Vasila Mamanosirovna – psixologiya fanlari doktori, professor, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Hayitov Oybek Eshboyevich – Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti, psixologiya fanlari doktori, professor

Umarova Navbahor Shokirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti, Amaliy psixologiyasi kafedrasi mudiri;

Atabayeva Nargis Batirovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti;

Shamshetova Anjim Karamaddinovna – psixologiya fanlari doktori, dotsent, O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti;

Qodirov Obid Safarovich – psixologiya fanlari doktori (PhD), Samarkand viloyat IIB Tibbiyot bo'limi psixologik xizmat boshlig'i.

22.00.00-SOTSILOGIYA FANLARI:

Latipova Nodira Muxtarjanovna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri;

Seitov Azamat Po'latovich – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston milliy universiteti; Sodiqova Shohida Marxaboyevna – sotsiologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi.

23.00.00-SIYOSIY FANLAR

Nazarov Nasriddin Ataqulovich –siyosiy fanlar doktori, falsafa fanlari doktori, professor, Toshkent arxitektura qurilish instituti;

Bo'tayev Usmonjon Xayrullayevich –siyosiy fanlar doktori, dotsent, O'zbekiston milliy universiteti kafedra mudiri.

OAK Ro'yxati

Mazkur jurnal Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2022-yil 30-noyabrdagi 327/5-son qarori bilan tarix, iqtisodiyot, falsafa, filologiya, yuridik va pedagogika fanlari bo'yicha ilmiy darajalar bo'yicha dissertatsiyalar asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning
dolzARB muammolari**” elektron jurnali
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli
guvohnoma bilan davlat ro'yxatiga
olingan.

Muassis: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
mas'uliyati cheklangan jamiyati

Tahririyat manzili:

100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Kichik Beshyog'och ko'chasi,
70/10-uy. Elektron manzil:
scienceproblems.uz@gmail.com

Bog'lanish uchun telefonlar:
(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

<i>Turg'unov Sherzod Abduvositovich</i>	
FARG'ONA VILOYATI SANOAT KORXONALARINING MODDIY-TEXNIK HOLATI VA ULARNING SANOAT ISHCHILARINING MEHNAT MUHOFAZASIDAGI AHAMIYATI HAQIDA AYRIM FIKR MULOHAZALAR (Farg'ona viloyatida 1950-1970-yillarda chop etilgan vaqtli matbuot nashrlarida e'lon qilingan maqolalar tahlili asosida)	13-19
<i>Qalandarov Hamza Hamroqul o'g'li</i>	
SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN ATEISTIK SIYOSATI VA XUDOSIZLAR JAMIYATI FAOLIYATI	20-23
<i>Berdiyev Abduvali Abdug'aniyevich</i>	
XVIII-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGINING ERON VA ROSSIYA BILAN SIYOSIY VA IJTIMOIY ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR	24-32
<i>Сойиб Раупов</i>	
KAMBAFAALLIK VA UNI ҚИСҚАРТИРИШ MUAMMOLARI	33-42
<i>Abdimo'minov Oybek Bektemirovich</i>	
MARKAZIY OSIYO MINTAQASIGA ILMIY QARASHLAR VA KONSEPTUAL MASALALARNING AYRIM JIHATLARI	43-48
<i>Toshpulatov Nurbek Boboqul o'g'li</i>	
XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATI BOZORLARI VA KARVONSAROYLARI TARIXI	49-53
<i>Temirova Munira</i>	
ESKI TERMIZ SIMOBKO'ZACHALARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR	54-58
<i>Sattorova Shahlo</i>	
SHAYBONIYLAR DAVRIDA JO'YBOR XO'JALARINING BUNYODKORLIK FAOLIYATI	59-63

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

<i>Yazdonova Saxiba Kurbanovna</i>	
KIBERMAKON: TA'LIM, TARBIYA VA IQTISODIY TA'SIR TENDENSIYALARI	64-72
<i>Таниев Аҳмаджон Баҳромовиҷ</i>	
ТУРИЗМ, ГЛОБАЛЛАШУВ ВА САВДО: УЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ	73-82
<i>Ходжсаниязов Элбек Сардорович</i>	
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ	83-93
<i>Raximov Baxromjon Ibroximovich, Ibrohimova Maqsuda Muhammadjon qizi</i>	
O'ZBEK SANOATINING INNOVATSION TARAQQIYOTI VA IQTISODIY O'SISHDAGI ROLI	94-99
<i>Ahmedov Adham Djalolovich</i>	
AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASHDA FUQAROLARNING O'ZINI O'ZI BOSHQARISH ORGANLARI FAOLIYATINI SAMARALI TASHKIL ETISH	100-105
<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i>	
QURILISH KORXONALARI DEBITORLIK VA KREDITORLIK QARZLARINI HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH	106-112

<i>Abdurahmanov Muxtora</i>	
ХУДУДИЙ КЛАСТЕРНИ ШАКЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	113-116
<i>Poshokulova Mohigul</i>	
БИЛИМЛАР ИКТИСОДИЙТИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТА'ЛИМ ТИЗИМИДА	117-122
<i>Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li</i>	
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ QO'LLASH ORQALI KORXONANING ИКТИСОДИY ХАВФСИЗЛИГИНИ ТА'MINLASH: YANGI IMKONIYATLAR VA TAHDIDLAR	123-131
<i>Sayfutdinova Nigina Furkatovna</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ РИВОЈЛАНТИРИШ АСОСИЙ АҲАМИYАТЛАРИ	132-135
09.00.00 – FALSAFA FANLARI	
<i>Shakarov Oybek Xudoyberdi o'g'li</i>	
О'ЗБЕК XALQI ETOSFERASIDA KORRUPSION MUNOSABATLAR PAYDO BO'LISH САБАБЛАРИНГ FALSAFIY TAHLILI	136-139
<i>Жўрамуродов Нодир Гайбуллаевич</i>	
ЖАДИДЛАР ФАЛСАФАСИДА МИЛЛИЙ ФОЯ, МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА МИЛЛИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	140-144
<i>Sayidova Muhabbat G'afforovna</i>	
GLOBAL AXBOROTLASHUV TENDENSIYALARINING MILLIY VA MA'NAVIY QADRIYATLARGA TA'SIRI	145-149
<i>Kuraxmedov Azamat Erkinovich</i>	
SAMARQAND JADIDCHILARINING TURKISTON MA'RIFATPARVARLIK FALSAFASI РИВОJIDA TUTGAN O'RNI	150-153
<i>Umarova Feruza Rozibayevna</i>	
О'ЗБЕК XALQI MA'NAVIY MADANIYATI RIVOJLANISHINING ASOSIY ХУСУСИYATLARI	154-156
<i>Samijonov Azizbek Ismoiljon o'g'li</i>	
KIBERXAVFSIZLIKNI TA'MINLASHNING FALSAFIY-KONSEPTUAL TAHLILI	157-161
<i>Begbudieva Parvina Shoxruxovna</i>	
THE CONTRIBUTION OF MAHMUDHODJA BEHBUDI TO THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF EDUCATION SYSTEM OF TURKESTAN	162-166
<i>Aytbayev Mansurbek Yusupovich</i>	
МАHMUD AZ-ZAMAXSHARIY AQZ-ZAKOVAT TO'G'RISIDA	167-173
<i>Muslimov Sherzod Akbarovich</i>	
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR MA'NAVIY MEROSI: JAMIYAT, SIYOSAT VA SHE'RIYAT	174-178
<i>Jantayev Maqsud Ibragimovich</i>	
MUHAMMAD AL-XORAZMIY: МАТЕМАТИКАДАН FALSAFAGACHA BO'LGAN ILMIY IZLANISHLAR	179-184
<i>Norova Malika Fayzulloyevna</i>	
TASAVVUF TA'LIMITI VA UNING SAYFIDDIN BOXARZIY DUNYOQARASHIGA TA'SIRI	185-191

<i>Gulova Anorgul Axtamovna</i>	
O'ZBEKISTONDA ALISHER NAVOIY ASARLARIKA BO'LGAN MUNOSABAT	192-196
<i>Absattorov Baxtiyor Mamarasulovich, Karimova Gulchehra Abdukarimovna</i>	
BURCH VA MAS'ULIYAT TUSHUNCHALARINING TARIXIY-NAZARIY, AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY TALQINI	197-205
<i>Berdikulov Chingiz Dusmuradovich</i>	
IJTIMOIY MULOQOT-SHAXS INTELLEKTUAL MADANIYATINING SHAKLLANISH OMILI	206-211
<i>Mamarasulov Baxriddin Shakasimovich</i>	
MILLIY-MA'NAVIY YUKSALISH – MAMLAKATIMIZ MA'NAVIY TARBIYA TIZIMINING YANGI STRATEGIYASI SIFATIDA	212-216
<i>Nurmatov Kamaridin Shamsiyevich</i>	
JAMIyat TARAQQIYOTIDA ADOLAT TUSHUNCHASINING O'RNI	217-221
<i>Bekpo'latov Ulug'bek Rahmatulla o'g'li</i>	
JAMIyat TARAQQIYOTIDA SIMMETRIYA VA ASIMMETRIYA BIRLIGINI TA'MINLASHNING DIALEKTIK TAHLILI	222-228
10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI	
<i>Бердиева Мукаррама Анваровна, Чернова Наталья Васильевна</i>	
СТРАТЕГИИ ЛИНГВОМЕТОДИЧЕСКОГО ПОДХОДА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ	229-234
<i>Жамаҳматов Каромиддин Айнилло ўғли</i>	
БУРХОНИДДИН ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИНИНГ САЛЖУҚИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН ТАСАВВУФИЙ МАНБАЛАРГА ТАЪСИРИ	235-243
<i>Temirova Aziza Muzaffarovna, Uralova Oysuluv Poyan qizi</i>	
ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA "КО'К" SIFAT BELGISINING SEMANTIK XUSUSIYATLARINING TADQIQI	244-247
<i>Mansurova Mohinur Akmal qizi</i>	
HAJVIY TAFAKKUR TABIATI – SATIRA VA YUMOR TUSHUNCHASI	248-252
<i>Яркулова Фотима Усмановна, Исломова Марьям</i>	
ИМЕННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ В ПОВЕСТЯХ И.С.ТУРГЕНОВА	253-257
<i>Murodova Muqadas Ikromovna</i>	
XX ASR INGLIZ VA O'ZBEK ADABIYOTIDA YARATILGAN SATIRIK ASARLAR TADQIQI	258-263
<i>Ruzmatova Gulnara Kulmamatovna</i>	
O'ZBEK ADABIYOTIDA LATIFA JANRI TARAQQIYOTI VA TAHLLILI	264-268
<i>Davronov Shekroz Abrorovich</i>	
OG'ZAKI TARJIMA VA UNDA KOMPRESSIYANING ROLI	269-273
<i>Begmatov Azizbek Tursunbayevich</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI ONOMASTIK BIRLIKLER TADQIQI	274-280
<i>Ibragimova Moxiraxon Anvarovna</i>	
NUTQIY AKTLAR TASNIFI	281-285
<i>Расулова Истода Абдулатифовна</i>	
К ПРОБЛЕМЕ ДЕФИНИЦИИ ЯЗЫКОВЫХ УНИВЕРСАЛИЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ ИНВАРИАНТНЫХ СВОЙСТВ В КОНТЕКСТЕ ЯЗЫКОВОЙ ВАРИАТИВНОСТИ	286-293

<i>Obidova Go'zalxon Ma'rufjon qizi</i>	
O'ZBEK TILIDA OMAD VA OMADSIZLIKNI NOMLOVCHI LEKSIK VA FRAZEOLOGIK BIRLIKAR	294-299
<i>Furkatova Maxliyo To'lqin qizi</i>	
O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI SHAXS-SON KATEGORIYASI	300-309
<i>Baxramov Xabibillo Sadikovich</i>	
INGLIZ TILIDA "POISON-ZAHAR" KONSEPTINING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	310-315
<i>Tухтаев Сирожиддин Тошпўлатович</i>	
ПАРЕМИОЛОГИЯДА САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	316-323
<i>Qiyomov Shohabbosxon Sharofiddin o'g'li</i>	
XATTOTLIK SAN'ATINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI	324-327
<i>Sobirjonova Muxlisa Sobirjonovna</i>	
YOLG'IZLIK FENOMENINING PSIXOLOGIK, IJTIMOIY VA EKZISTENSIAL ASPEKTLARI	328-331
<i>Qayumova Mohinur Murodullayevna</i>	
LEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF THE CONCEPT «STEP» IN THE ENGLISH LANGUAGE	332-337
<i>Sayipova Dilafruz Rahimovna</i>	
O'ZBEK NASRI TARAQQIYOTIDA "BOBURNOMA"NING AHAMIYATI	338-342
<i>Diyarov Akmal To'lqin o'g'li</i>	
INGLIZ TILIDAGI BOG'DORCHILIK TERMINLARINING GENETIK-ETIMOLOGIK TAVSIFI	343-348
<i>Аманазарова Шохида Бахрамовна</i>	
РЕКЛАМАДА ИЛЛОКУЦИЯ ВА ПЕРЛОКУЦИЯНИНГ АМАЛГА ОШИШИДА БИЛБОРДЛАРНИ АҲАМИЯТИ (РЕКЛАМА БАННЕРЛАРИ МИСОЛИДА)	349-353
<i>Mamadqulova Kamila Abduxoliquovna</i>	
ANCIENT EGYPTIAN LITERATURE: THE OLD, MIDDLE AND NEW KINGDOMS	354-364
<i>Alimova Dilrabo</i>	
SHARQ ADABIYOTIDA QASIDANING TARIXIY TAKOMILI	365-373
<i>Abduqaxxorova Nargiza Rustamovna</i>	
RUS VA O'ZBEK TILLARIDAGI TOPISHMOQLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI	374-379
<i>Курбонова Нодира Розиковна, Пулатова Сабина Шарифовна</i>	
ЛИТЕРАТУРНЫЙ АНАЛИЗ ТЕМЫ УТРАЧЕННОЙ РОДИНЫ В РОМАНЕ ВЛАДИМИРА НАБОКОВА «МАШЕНЬКА»	380-390
<i>Khamidov Tohirjon Olmos ogli</i>	
ANALYSIS OF TYPES OF ENGLISH PHRASAL VERBS ACCORDING TO THE STRUCTURE	391-396
<i>Umurzakova Komuna Xursanovna</i>	
O'ZBEKİSTON İJTİMOİY TARMOQLARIDA YOSHLAR NUTQİDAGI O'ZGARISHNING TA'LIM JARAYONIGA TA'SIRI	397-402
<i>Habibullayeva Shoira Shukurillayevna</i>	
ONA TİLİ DARSIDA GAP BO'LAKLARI VA ULARNI TAHLİL QILISH METODİKASI	403-406

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

<i>Imomov Nurillo Fayzullayevich</i> ТА’MINLOVCHI TO’LOV – MAJBURIYATLARNI TA’MINLASHNING YANGI USULI SIFATIDA	407-414
<i>Салаев Нодирбек Сапарбаевич</i> ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ: МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	415-431
<i>Ходжиев Юнус Мухитдинович</i> МУЛК ҲУҚУҚИ БЕКОР БЎЛИШИНинг ШАХС ИХТИЁРИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ	432-436
<i>Сайдивалиева Хуршида</i> БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА БЕРИШ ЎЗАСИДАН ВУЖУДГА КЕЛУВЧИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ	437-445
<i>Miqutov Bobur</i> THE LEGAL NATURE OF E-COMMERCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	446-451
<i>Raimova Nargiza Doroyevna, To’uchiyeva Bahora Otabekovna</i> PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS	452-459
<i>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	460-468
<i>Toshkanov Nurbek Bahriiddinovich</i> UNDIRUVNI INTELLEKTUAL MULK OBYEKTALARIGA BO’LGAN HUQUQLARGA QARATISHNING AYRIM FUQAROLIK-HUQUQIY MASALALARI	469-478
<i>Kubaeva Ismigul Farxod qizi</i> CHALLENGES OF BLOCKCHAIN TO LAW AND STATE	479-484
<i>Юсупов Ўқтамбай Абсаматович</i> ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	485-491
<i>Баходирова Сабина Улугбек кизи</i> РОЛЬ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ УМЫШЛЕННОГО ТЯЖКОГО ТЕЛЕСНОГО ПОВРЕЖДЕНИЯ	492-503
<i>Эгамбердиев Ферузбек Аскаржон угли</i> НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНСТИТУТА ХОДАТАЙСТВ КАК СПОСОБ ЗАЩИТЫ ПРАВ УЧАСТНИКОВ НА ДОСУДЕБНОМ ЭТАПЕ УГОЛОВНОГО ПРОЦЕССА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	504-508
<i>Ibrohimov Behzodbek Bahromjon o’g’li</i> O’ZBEKİSTONDA MOLİYAVİY HUQUQIY MUNOSABATLAR ASOSI VA AHAMIYATI	509-520
<i>To’uchiyeva Bahora Otabekovna, Raimova Nargiza Doroyevna</i> PREVENTING FALSE AND MANIPULATIVE ADVERTISING IN SOCIAL NETWORKS	521-528

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

<i>Ibraximov Sanjar Urumbayevich</i> SPORT MASHG'ULOT JARAYONINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO'LLARI VA TAMOYILLARI	529-539
<i>Urazkulova Anna Vitalyevna</i> OLIY TA'LIMDA RUS TILI FANINI O'QITISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING TOPSHIRIQLARINI ILMIY-PEDAGOGIK AHAMIYATI	540-545
<i>Қаршиева Дилбар Эшулатовна</i> ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛарни ШАКЛЛАНИШИДА МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎРНИ	546-550
<i>Ajiyeva Muxabbat Baxtibayevna</i> KIMYO FANI BO'YICHA MASHG'ULOTLARNI FANLARARO INTEGRATSIYA ASOSIDA TASHKIL ETISH	551-555
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboevna</i> O'QITUVCHILARNI KASBIY RIVOJLANTIRISHDA QIYOSIY TAHLIL: JARAYON VA FAOLIYATLI YONDASHUV	556-564
<i>Radjabova Gulnoza Giyosiddinovna</i> SHIFTING THE FOCUS OF CORPUS LINGUISTICS FROM RESEARCH TO CLASSROOM PRACTICE	565-570
<i>Акрамова Умеда Салиевна</i> ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИКТ ДЛЯ УЧАЩИХСЯ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОВЫМ ФОНОМ	571-582
<i>Abdusattarova Zaynab Abdujalil qizi</i> MATEMATIKA FANINI LOYIHAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYASI ORQALI O'QITISH ASOSIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA XXI ASR KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI	583-590
<i>Boboqulov Chori Urolovich</i> SHAXMAT O'YINI ORQALI BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI	591-595
<i>To'xtayev Hasan Tosho'lalovich</i> ZAMONAVIY MAKTAB O'QUVCHILARINI MA'NAVIY-AXLOQIY TARBIYALASHDA KOGNITIV- PSIXOLOGIK TO'SIQLARNING TA'SIRI	596-599
<i>Yaqubov Fazliddin Muxitdinovich</i> JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARI KASBIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING MEXANIZMLARINI TAKOMILLAHTIRISH	600-607
<i>Rahimova Dilshoda Baxriddinovna, Turatosheva Sadoqat Raxmatullayevna</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH (SOTSILOGIK TAHLIL)	608-615
<i>Мадаминова Наргизахон Жахонгир қизи</i> МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА МОСЛАШТИРИЛГАН ВИРТУАЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ	616-619
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i> RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA TEXNIKA OLIY TA'LIM SOHASI MUTAXASSISLARDA KASBIY-IJODIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI	620-626

<i>Aliyeva Iroda Otabek qizi</i>	
МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМГА XORIJ TAJRIBASINI QO'LLASH BO'YICHA MAVJUD TA'LIM TALABLARINING TASNIFI YUZASIDAN TAHLILLAR	627-631
<i>Ro'zimurodov Ilyos Azamat o'g'li</i>	
О'RTA ASRLAR MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARINING CHOLG'USHUNOSLIKKA OID NAZARIYALARI: ABU NASR FOROBIYNING MUSIQIY TADQIQOTLARI	632-636
<i>Yaxshiboyeva Shahnoza Bahodir qizi</i>	
JAHON AXBOROT RESURSLARI ORQALI TALABALARING TADQIQOTCHILIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK ASOSLARI	637-642
<i>Салиев Улугбек, Салиева Нигора</i>	
ОБЩЕНИЕ МЕДИЦИНСКОГО РАБОТНИКА: РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ В ПРАКТИКЕ	643-648
<i>Маматкулова Угилжон Эшмирза кизи, Абдуллаева Дилбар Алимбаевна</i>	
МЕТОДИЧЕСКАЯ ИНФОРМАЦИОННАЯ ПЛАТФОРМА ДЛЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА, ИЗУЧАЮЩИХ АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК, И ПУТИ ЕЕ РЕАЛИЗАЦИИ	649-655
<i>Муминова Офтобхон Каримовна</i>	
ИСТОРИЯ ЛАТИНСКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНЕ: ОТ АНТИЧНОСТИ ДО СОВРЕМЕННЫХ ТЕРМИНОВ	656-661
<i>Ахмедова Уктамхон</i>	
РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАНЯТИЙ РУССКОГО ЯЗЫКА В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ	662-667
<i>Sattarova Markhabo Raxmonkulovna</i>	
TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASH	668-672
<i>Nuriddinova Robiya Bekjonaliyevna</i>	
МАКТАБГАЧА VA BOSHLANG'ICH TA'LIMDA MATEMATIKA MASHG'ULOTLARINING UZVIYLIGINI TA'MINLASH YO'NALISHLARI	673-678

Received: 30 November 2024

Accepted: 5 December 2024

Published: 15 December 2024

Article / Original Paper

ISSUES OF REGULATING RELATIONSHIPS ARISING FROM PLACING CHILDREN IN FAMILY CARE THROUGH AGREEMENTS

Saydivaliyeva Khurshida Khodjiakbarovna

Head of department of the scientific research institute "Family and gender",

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

Abstract. This article analyzes important issues related to bringing children up in the family in Uzbekistan, ensuring their social protection and regulating this process based on legal agreements. Different forms of placement of children in the family, in particular, the conditions of adoption and temporary transfer to upbringing, their legal foundations, as well as problems arising in practice, are considered. In addition, practical recommendations are offered for protecting children's interests, creating a stable environment for them, and strengthening family relationships. The article conducts a comparative analysis with international practice in this area and identifies aspects of Uzbekistan's legislation that require improvement.

Keywords: child, family, adoption, upbringing, guardianship, social protection, agreement, child rights.

БОЛАЛАРНИ ОИЛАГА ТАРБИЯГА БЕРИШ ЮЗАСИДАН ВУЖУДГА КЕЛУВЧИ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕЛИШУВЛАР АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Сайдивалиева Хуршида Ходжиакбаровна

"Оила ва гендер" илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда болаларни оила мұхитида тарбиялашга бериш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва бу жараённи хуқуқий келишувлар асосида тартибга солишга оид мұхим масалалар таҳлил қилинади. Болаларни оилага беришнинг турли шакллари, хусусан, фарзандликка олиш ва вақтингчалик тарбияга бериш шартлари, хуқуқий асослари ҳамда амалиётда учрайдиган муаммолар кўриб чиқилади. Шунингдек, болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга барқарор мұхит яратиш ва оиласыв муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича амалий тавсиялар берилган. Мақолада ушбу соҳадаги халқаро амалиётлар билан қиёсий таҳлил ўтказилиб, Ўзбекистон қонунчилигидаги такомиллаштириш зарур бўлган жиҳатлар тавсия этилади.

Калит сўзлар: бола, оила, фарзандликка олиш, тарбия, васийлик, ижтимоий ҳимоя, келишув, бола хуқуқлари.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I12Y2024N62>

Бола хуқуқлари дунёдаги барча мамлакатлар томонидан эътироф этилган мұхим қадриятдир. Бола хуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга муносиб тарбия мұхитини яратиш ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда болаларни оила мұхитида тарбиялашга бериш масаласи, айниқса, ота-она қарамоғидан

маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Бола учун энг қулай тарбия муҳити оиладир. Оилада бола меҳр-муҳаббат, эътибор ва қўллаб-қувватлашни ҳис этади, бу эса унинг шахсий ривожланиши ва ижтимоий муҳитга тўғри мослашувининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Болани оилада тарбиялаш унинг руҳий-ҳиссий ривожланишига, таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга ва ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиласди. Шу сабабли, ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция боланинг оилада ўсиб-улғайиши ва тарбия олиши ҳуқуқини ҳимоя қилишни кафолатлади.

Ўзбекистонда сўнгги уч йилда 2 мингдан ортиқ инсонлар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган[1]. Ота-оналиқдан маҳрум қилиниш ҳолатининг энг кўпи уларнинг жиноятлар содир этиши ёки болага нисбатан ота-оналик мажбуриятини бажара олмаганлик, шунингдек, касалликлар билан боғлиқ.

Маҳрум қилиниш ҳолатларнинг мутлақ катта қисми — 86 фоизига ота-оналик мажбуриятларини бажармаганлик, 14 фоизи эса болаларини ташлаб кетганик, уларга жисмоний ва руҳий тазиик ўтказганлик, ичкилиқбозлик ва гиёҳвандлик моддаларига берилиши ёки боласи ёки эри (хотини) ҳаёти-соғлигига қасддан жиноят содир этиш сабаб бўлган. Ота-оналиқдан маҳрум қилинди дегани, боланинг тўлиқ ижтимоий мажбуриятлари давлат зиммасига ўтади деганидир. Давлат унинг асосий ҳомий, васийси ҳисобланади. Васийлик ва ҳомийлик органлари боланинг қонуний вакили сифатида ўртага чиқади. Бу органлар ҳам ҳозирда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфига ўтказилган. Улар туманларда оилаларга энг яқин васийлик функциясини бажарадиган ижтимоий ёрдам кўрсатадиган асосий бўғинлардир[2].

Бугунги глобаллашув жараёнлари, миграция ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида вояга етмаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда болаларни интернат ва меҳрибонлик уйларида эмас, балки оила муҳитида тарбиялашга қаратилган ёндашув тобора долзарб бўлиб бормоқда. Оила болага шахс сифатида шаклланиши учун зарур бўлган руҳий, ижтимоий ва ахлоқий қўллаб-қувватлашни тақдим этиш билан бирга, унинг жамиятга мослашувига замин яратади. Бу ёндашув болалар манфаатларини таъминлашда барқарор ва инсонпарварлик тамойилларига мос бўлиб, ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор амалиётлар билан уйғундир.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 7-моддасига асосан, бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан аталиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади. Конвенциянинг 20-моддасига кўра эса, ўзининг оила ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгадир. Иштирокчи-давлатлар ўз миллий қонунларига мувофиқ равишда болани парвариш қилишнинг алмаштирилишини таъминлайдилар. Болани бундай парваришлаш, жумладан, ислом шариати бўйича «кафола»га тарбияга беришни, асраб

олиши ёки зарурат туғилган тақдирда, болалар боқиладиган тегишли муассасаларга жойлаштиришни ўз ичига олади.

Кўриб турганимиздек, боланинг ҳар қандай ҳолатда оилада тарбияланиши учун муҳим шарт шароитларни яратиш лозимлиги халқаро норма билан белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13 моддасида ҳам мазкур қоида ўз аксини топганлигини кўриш мумкин, жумладан унга қўра ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ота-онаси бўлмагандан, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик органи томонидан таъминланади.

Мазкур қонуннинг 24-моддасига асосан, давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради. Давлат ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади. Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чорадир. Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 65-моддасида ҳам боланинг оилада яшашга, ҳаётий қўникмаларини ривожлантириш учун оилавий мақбул шароитда ўсишга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли Қарори билан билан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олиш тартиби белгиланган[3]. Қолаверса, 2024 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент фармони[4]га мувофиқ, оилавий болалар уйларини ташкил этиш тартиби соддалаштирилди. Жумладан, эндиликда 30 ёшга тўлган ҳар қандай фуқаро, оилавий ҳолатидан қатъи назар, оилавий болалар уйини ташкил этиши мумкин. Шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оила муҳитида тарбиялашни рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан қўшимча имтиёзлар жорий этилган. Оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болаларнинг яшаш харажатлари ва уларни тарбиялаганлик учун ажратиладиган маблағлар болалар умумий ўрта, ўрта маҳсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлагунга қадар сақлаб қолинади. Бундан ташқари, 2024 йил 1 февралдан бошлаб, оилавий болалар уйларини ташкил этиш учун оиланинг эр ва хотиндан иборат тўлиқ оила бўлиши талаби бекор

қилинди. Бу ўзгаришлар натижасида қўпроқ фуқаролар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз бағрига олиш имкониятига эга бўлмоқда. Мазкур чоратадбирлар болаларнинг оила муҳитида тарбияланишини таъминлаш, уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш ва яратилган имкониятлар натижасида оиласий болалар уйларининг сони ортиб, қўпроқ болалар оила муҳитида тарбияланмоқда.

Статистик маълумотлар[5] га кўра, 2021 йилнинг 9 август қунидан 2022 йилнинг 20 январь қунига қадар 1301 нафар бола Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Болалар уйлари ва “SOS – болалар маҳаллалари” ҳисобидан чиқарилган бўлиб, шундан: 124 нафари – болаларнинг ўз ота-оналари қарамоғига қайтарилган; 139 нафари – болаларнинг ўз яқин қариндошларига (амма, хола, тоға, амаки, буви, бува) оила тарбиясига берилган; 139 нафари – васийликка, ҳомийликка ва оила тарбиясига (патронатга) берилган; 640 нафари – ташкил этилган 106 та Оиласий болалар уйларига ота-она қарамоғига берилган; 188 нафари бўлса, Олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларига ўқишга қабул қилингандиги ва 49 нафари вояга етганлиги учун (18 ёшга тўлганларни) уй-жой билан таъминланиб меҳрибонлик уйларини тарк этишган; 22 нафари “Мурувват уйлари”га кўчирилган.

Болаларни оиласига тарбияга бериш юзасидан вужудга келувчи муносабатларни тартибга солиш ҳам муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Зоро, боланинг ҳақ-хуқуқларини таъминланиши назорат қилиш, шунингдек, ота-она ўринини босувчи шахсларнинг мажбуриятларига виҷданан ёндашишларига аҳамият қаратиш ўринли.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, болаларни тарбияга беришнинг бугунги кунда фарзандликка олиш, болани оиласига тарбияга бериш, шунингдек фостер оиласига тарбияга бериш каби турлари мавжуд. Бу борада ота-она ўринини босувчи шахслар билан давлат органлари ўртасида вужудга келувчи муносабатлар ҳамда болалар тарбиясини тўғри олиб бориш юзасидан вужудга келадиган муносабатлар ҳам юқорида қайд этилган норматив хуқуқий хужжатлар, шу билан биргаликда келишув ва шартномалар орқали ҳам тартибга солинади.

Фостер оила ва болаларни оиласига тарбияга олган оила ўртасида фарқлар мавжуд[6]. Бу икки тушунча болаларни оила муҳитида тарбиялашга қаратилган бўлсада, уларнинг хуқуқий асослари, мақсадлари ва мажбуриятлари бир-биридан фарқ қиласди. Фостер оила болаларни вақтинчалик тарбияга олади (мисол учун, миграцияга кетган ота-оналарнинг фарзандлари) ва давлат томонидан маҳсус шартнома асосида назорат қилинади. Ушбу шароитда болаларнинг биологик ота-онаси уларнинг қонуний васийси ҳисобланади. Фостер оила фақат вақтинча ғамхўрлик ва тарбия вазифаларини бажаради. Бу ҳолда болалар фостер оиласига юридик жиҳатдан боғлиқ бўлмайди ва ўз биологик ота-онасига қайтиш имкониятига эга. Болаларни оиласига тарбияга олган оила эса болаларни васийлик ёки фарзандликка олиш асосида қабул қиласди. Бу ҳолда оила болаларнинг тўлиқ қонуний васийси бўлади ёки уларни ўз фарзанди сифатида қабул қиласди. Бундай муносабатлар доимий бўлиб, болалар мазкур оиланинг барча хуқуқий ва ижтимоий манфаатларига эга бўлади. Фостер оила тизимида давлат фостер оилаларга молиявий қўллаб-қувватлаш кўрсатади. Болаларнинг таъминоти, таълими ва бошқа эҳтиёжлари учун маҳсус субсидиялар ажратилади. Шу билан бирга, фостер оилалар давлат ёки ижтимоий хизматлар томонидан қатъий назорат қилинади. Улар

бала тарбиясига оид ҳисоботларни доимий равища дақдим этиши лозим. Тарбияга олган оилалар эса молиявий томондан мустақил бўлиб, боланинг барча эҳтиёжларини ўз зиммасига олади. Давлат назорати бу ҳолатда минимал даражада бўлади. Муносабатларнинг давомийлиги бўйича ҳам фарқ мавжуд. Фостер оила тизими вақтинчалик бўлиб, болалар биологик ота-онасининг шароити яхшиланганда уларга қайтарилиши мумкин. Бунга қарши равища, болаларни оилага тарбияга олиш тизими доимий муносабатларни назарда тутади ва бола ушбу оиланинг тўлиқ ҳуқуқий аъзосига айланади.

Умуман олганда, фостер оила тизими вақтинча тарбия ва ҳимояга муҳтоҷ болалар учун мўлжалланган бўлса, болаларни оилага тарбияга олиш тизими доимий муносабатларни ва боланинг қонуний мақомини ўзгартиришни назарда тутади. Ҳар икки тизимнинг асосий мақсади болаларнинг манфаатларини таъминлаш бўлса-да, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий жиҳатлари ўзаро фарқ қиласди.

Ю.Тихонова[7]нинг фикрига кўра, фарзандликка олиш ва болани оилага тарбияга оловчи оила ўртасидаги ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлар батафсил таҳлил қилинган. Фарзандликка оловчи болани ўз оиласига қабул қилиш орқали унга тўлиқ қонуний мақом беради, шу жумладан, бола оиланинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади. Бу муносабатларда боланинг фамилияси, исми, отаси номи, туғилган санаси ва жойи ўзгартирилиши мумкин, бу эса фарзандликка олиш жараёнининг бола учун ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ интеграциялашувини таъминлайди. Фарзандликка олиш сир сақланиши қонун билан ҳимояланади, яъни боланинг ҳақиқий биологик ота-онаси билан боғлиқ маълумотлар фақат фарзандликка оловчи ота-она томонидан ошкор қилиниши мумкин.

Бундан фарқли ўлароқ, қабул қилувчи оила болани вақтинчалик тарбияга олади ва бола биологик ота-онасининг ҳуқуқий қарамоғида қолади. Бу муносабатларда қабул қилувчи оила болага давлат томонидан белгиланган шартлар асосида ғамхўрлик қиласди ва унинг манфаатларини ҳимоя қиласди. Давлат қабул қилувчи оилаларга молиявий ёрдам кўрсатади, бола учун ижтимоий имтиёзлар ва нафақалар сақланади, аммо боланинг фамилияси, исми ёки бошқа шахсий маълумотлари ўзгартирилмайди. Шунингдек, қабул қилувчи оила билан бола ўртасидаги муносабатлар муайян муддат билан чекланади, яъни бола катта бўлиб 18 ёшга тўлгандан сўнг, оила билан ҳуқуқий боғлиқлик тугайди.

Фарзандликка олиш жараёни суд қарорлари асосида амалга оширилади ва уни бекор қилиш фақат суд тартибида мумкин. Бу боланинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қиласди. Қабул қилувчи оила эса болани олиб, давлат органлари билан шартнома асосида ҳаракат қиласди, шартнома белгиланган шартлар бузилганда бекор қилиниши мумкин. Шунинг учун фарзандликка олиш бола учун тўлиқ ҳуқуқий ҳимоя ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди, қабул қилувчи оила эса вақтинчалик тарбия ва ҳимояга мўлжалланган.

Бу фарқлар фарзандликка олиш бола учун оилада тўлиқ ижтимоий ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлашда муҳим устунликка эга эканини кўрсатади. Қабул қилувчи оила эса вақтинчалик тарбия ва ғамхўрликнинг самарали шакли бўлиб, давлат ҳимояси ва назорати остида амалга оширилади.

Болаларни оила мухитида тарбиялашга қаратилган турли келишувлар, яъни фарзандликка олиш ва қабул қилувчи оила тизимлари, болаларнинг ижтимоий, психологик ва хуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим воситалар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзининг мақсади, шартлари ва натижалари билан фарқланади.

Фарзандликка олиш бола ва ота-она ўртасида тўлиқ хуқуқий муносабатларни таъминлайди, болага қонуний мақом ва узоқ муддатли ижтимоий барқарорлик беради. Бу жараёнда бола ўзини тўлақонли оила аъзоси сифатида ҳис қилиб, оиланинг барча хуқуқий ва ижтимоий манфаатларидан фойдаланади. Шу билан бирга, фарзандликка олиш бола ва усиновчи ота-она ўртасидаги муносабатларнинг доимий бўлишини кафолатлади. Қабул қилувчи оила эса болани вақтинчалик тарбияга олади ва унинг асосий мақсади боланинг биологик ота-онаси йўқлиги ёки уларнинг муносабатлари тикланмагунча болага ғамхўрлик қилишдан иборат. Бунда боланинг хуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинади ва молиявий қўллаб-куватлаш таъминланади, аммо бу муносабатлар вақтинчалик хусусиятга эга.

Болаларни оила мухитида тарбиялашга қаратилган турли келишувлар, яъни фарзандликка олиш ва қабул қилувчи оила тизимлари, болаларнинг ижтимоий, психологик ва хуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим воситалар ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзининг мақсади, шартлари ва натижалари билан фарқланади.

Фарзандликка оловчи оила фақат болани боқиш билан эмас, балки муносабатларнинг шартномавий хусусияти ва ота-она меҳнатига давлат томонидан ҳақ тўлаш билан ажralиб туради[8].

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 195-моддасига кўра, болаларни оиласа тарбияга олиш тўғрисидаги келишув васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади. Болаларни оиласа тарбияга олиш тўғрисидаги келишувда болаларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш, тарбияга олган тутинган ота-онанинг хуқуқ ва мажбуриятлари, васийлик ва ҳомийлик органларининг болаларни тарбияга олган оиласа нисбатан мажбуриятлари, шунингдек бундай келишувни бекор қилиш асослари ва оқибатлари кўрсатилиши керак.

Келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахснинг турмуш шартшароитлари ва оила аъзоларининг соғлиғи текширилади.

Болаларни оиласа тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани оиласа тарбияга олган шахсга эса, оиласа тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонунчиликда белгиланган миқдорда ҳар ойда нафақа тўлаб туради.

Болаларни оиласа тарбияга олиш ихтиёрий бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан болани олиш истагини билдирган шахслар ўртасида тузилган маҳсус шартнома асосида амалга оширилади. Келишувда томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, боланинг хуқуқлари, тарбия жараёнининг шартлари ва муддати белгиланади. Болаларни тарбияга олган шахслар ўз хуқуқларидан ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда, тарбиясидаги болаларга заарар келтирган ҳолда фойдалансалар, васийлик ва ҳомийлик органи уларни жавобгарликка тортиш масаласини қўзғатишга ҳақли.

Юридик адабиётларда болаларни оиласа тарбияга олиш тӯғрисидаги келишув борасида 5 хил ёндашув бор эканлигини И.В.Дрожжина таъкидлаб ўтади[9]. Биринчи ёндашувга кўра, бу шартнома меҳнат ҳуқуқига тааллуқли бўлиб, у меҳнат муносабатлари элементлари, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш асосида бажариладиган иш билан боғлиқлигига урғу беради (И.Ф. Дементьев, Л.Я. Олиференко, Г.С. Скачкова, И.Н. Половцев). Иккинчи ёндашув буни оиласий ҳуқуқнинг бир қисми сифатида қараб, болаларни тарбиялаш ва уларга ғамхўрлик қилишни тартибга солишини таъкидлайди (А.М. Нечаева, С.Ю. Чашкова, О.В. Фетисова). Учинчи ёндашув эса шартномани фуқаролик ҳуқуқига мансуб, хусусан, хизмат қўрсатиш шартномаларининг бир қўриниши деб билади (А.И. Банников, Н.В. Волкова, Н.В. Летова, Л.Ю. Михеева). Тўртинчи ёндашув шартномани маъмурий хусусиятга эга деб баҳолаб, унда ҳимоя ва ғамхўрлик органлари ваколатларининг аҳамиятини қўрсатади (М.Е. Жабреев, О.А. Камалов). Охирги, бешинчи ёндашув эса шартномани аралаш хусусиятга эга деб ҳисоблайди, яъни у турли ҳуқуқий соҳаларнинг элементларини ўзида мужассам этган (П.В. Крашенинников, П.И. Седугин, М.Ю. Челышев). Бу ёндашувлар мазкур шартноманинг ҳуқуқий хусусияти бўйича турли қарашларнинг мавжудлигини намоён этади.

Мазкур келишувнинг юридик табиатига тўхталиб ўтадиган бўлсак, у икки томонлама ҳуқуқий хужжат бўлиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан қабул қилувчи ота-она ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни тартибга солади. Ушбу келишувнинг асосий мақсади – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга тарбия, таълим ҳамда ривожланиш учун зарур шарт-шароитларни яратишдир. Қўйида ушбу келишувнинг ҳуқуқий хусусиятлари ва ижтимоий аҳамияти умумлаштириб берилган:

Келишувда икки томон иштирок этади: бир томондан, васийлик ва ҳомийлик органлари давлатнинг номидан иш юритиб, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласди; иккинчи томондан, қабул қилувчи ота-она ёки оила болани тарбияга олиш ва унинг ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари келишувда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бу унинг ҳуқуқий аниқлигини таъминлайди.

Келишув фидуциар хусусиятга эга бўлиб, қабул қилувчи ота-она ўз мажбуриятларини шахсан бажариши шарт. Бошқа шахсларга бу мажбуриятларни топширишга йўл қўйилмайди. Қабул қилувчи ота-она боланинг тарбияси, соғлиги ва таълими учун қундалик масъулиятни олиб, ўз вақтини ва ресурсларини боланинг ижтимоий ривожланишига сарфлайди.

Келишув фуқаролик, оиласий ва маъмурий ҳуқуқ нормаларининг уйғунлашувидан иборат. У фуқаролик ҳуқуқидаги хизмат қўрсатиш шартномасига ўхшашлиги билан бирга, оиласий ҳуқуқ нормалари орқали боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласди. Шу билан бирга, келишув давлат томонидан маъмурий назорат асосида амалга оширилади.

Келишувда боланинг исми, ёши, соғлиги, ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар, қабул қилувчи ота-онанинг ва опека органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда келишувни тутатиш асослари аниқ белгилаб қўйилади. Бундай тўлиқ мазмун келишувнинг амалиётда самарали қўлланилиши учун асос бўлади.

Келишув болаларнинг ижтимоий ҳимояси ва уларни жамиятда тўлақонли шахс сифатида ривожлантиришга хизмат қилади. У нафақат боланинг моддий таъминотини, балки унинг тарбияси, таълими ва эмоционал ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга[10].

Шу ўринда болаларни оиласа тарбияга олиш амалиётида қуйидаги муаммолар кузатилаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Биринчидан, айрим ҳолатларда келишувларнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада аниқ эмаслиги сабабли, амалиётда турли талқинлар ва муаммолар юзага келади. Иккинчидан, Болаларни оиласа тарбияга олган шахсларнинг мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш тизими самарали эмаслиги болаларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, болаларни оиласа тарбияга олган оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш чоралари етарли эмаслиги амалиётда муаммоларни келтириб чиқаради.

Хорижий тажриба болаларни оила мұхитида тарбиялашни рағбатлантириш ва ташкил этишда турли ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, АҚШда[11] болаларни оиласа тарбияга беришда патронат тизими кенг қўлланилади, бунда давлат болаларни вақтингчалик оилаларга жойлаштириш учун маҳсус тайёргарлик курсларини ташкил этади ва молиявий ёрдам кўрсатади. Европа мамлакатларида, хусусан, Франция ва Германия[12]да болаларни оилавий мұхитда тарбиялаш ижтимоий ҳамкорликка асосланади: васийлик ва ҳомийлик тизимлари болаларни яқин қариндошлар ёки маҳсус тайёрланган оилаларга жойлаштиришни кўзда тутади. Швеция[13] ва Финляндияда эса болаларнинг оиласа тарбияланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун давлат оилаларга узлуксиз қўллаб-қувватлов, ижтимоий хизматлар ва маслаҳат бериш тизимларини ривожлантирган. Жанубий Корея[14] ва Япония[15]да болаларни оила мұхитида тарбиялаш маданий қадриятлар билан уйғун ҳолда амалга оширилади, яъни болаларни оиласа қабул қилишнинг ижтимоий мақомини оширишга қаратилган чора-тадбирлар жорий этилган. Бу мамлакатлarda болаларни давлат муассасаларида тарбиялашдан кўра оила мұхитидаги тарбия афзал кўрилади, чунки оила болага индивидуал ёндашув ва психологик қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Хулоса қилиб қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин, Биринчидан, болаларни оиласа тарбияга олиш тўғрисидаги келишувнинг мажбуриятларини бажарилишини таъминланишига аҳамият қаратиш, болаларни оиласа тарбияга олган оилаларни мунтазам равишда назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш: болаларни оиласа тарбияга олган оилаларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш чораларини кучайтириш.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Уч йилда 2 мингдан ортиқ фуқаро ота-оналиқ ҳуқуқидан маҳрум қилинди// <https://kun.uz/kr/10355409>
2. <https://kun.uz/kr/10355409>
3. <https://lex.uz/docs/4532493>
4. <https://lex.uz/docs/7228799>

5. <https://aniq.uz/yangiliklar/mehribonlik-uylari-tarbiyalanuvchilari-bilan-bogliq-ayrim-masalalar-va-milliy-gvardiya-call-center-iga-kelib-tushayotgan-takroriy-savollar-yuzasidan-malumotlar>
6. <https://api.moit.uz/media/book/%D0B0.pdf>
7. Тихонова Ю.О., Темникова Н.А. Сравнительная характеристика приемной семьи и усыновления (удочерения) по российскому законодательству.// Инклюзия в образовании, 2019, том 4, № 3- 4 (15-16)
8. Юрьева А.Г. Правовая природа договора о передаче ребенка в приемную семью.// <https://elibrary.ru/item.asp?id=23019626>
9. Дрожжина И.В. Договор о приемной семье: понятие и особенности заключения// <https://cyberleninka.ru/article/n/dogovor-o-priemnoy-semie-ponyatie-i-osobennosti-zaklyucheniya>
10. Дрожжина И.В. Договор о приемной семье: понятие и особенности заключения// <https://cyberleninka.ru/article/n/dogovor-o-priemnoy-semie-ponyatie-i-osobennosti-zaklyucheniya>
11. https://www.acf.hhs.gov/resource-library?f%5B0%5D=program_topic%3A300
12. Kitas und Bündnisse für frühe Bildung ausgezeichnet// <https://www.bmfsfj.de/bmfsfj/aktuelles/alle-meldungen/kitas-und-buendnisse-fuer-fruehe-bildung-ausgezeichnet-251244>
13. <https://www.socialstyrelsen.se/>
14. <https://www.mohw.go.kr/>
15. mhlw.go.jp

SCIENCEPROBLEMS.UZ

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI

Nº 12 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb
muammolari” elektron jurnali**
2020-yil 6-avgust kuni 1368-sonli
guvohnoma bilan davlat ro’yxatiga olingan.
Muassis: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
mas’uliyati cheklangan jamiyati

Tahririyat manzili:
100070. Toshkent shahri, Yakkasaroy
tumani, Kichik Beshyog’och ko’chasi,
70/10-uy. Elektron manzil:
scienceproblems.uz@gmail.com
Bog’lanish uchun telefonlar:
(99) 602-09-84 (telegram).